

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИ,
ФОЙДАЛАНИШ ВА ТАЪМИРЛАШ
КАФЕДРАСИ



ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ №10
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИНИ ВА
ТРАКТОРЛАРИНИ САҚЛАШГА ҚЎЙИШ.

Андижон – 2009 йил

Лаборатория иши: В 5540700 «Агроинженерия» В 5140900 «Касбий таълим» таълим йўналишлари бўйича бакалавр даражасини оловчи талабаларга мўлжалланган.

Муаллифлар: «Қишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиш ва таъмирлаш» кафедрасининг доцентлари И.Ғ. Мирзаев, А.Қ. Дадаходжаев, Б.Н. Турсунов, катта ўқитувчи Р.С. Бозорбоев ва ассистент З.Т. Зулунов.

Такризчи: И.З. Носиров Андижон мухандислик – иқтисодиёт институти Транспорт воситаларидан фойдаланиш кафедраси доценти.

«Тасдиқлайман»

Ўқув ишлари бўйича

1 – проректор, доцент

«31» август 2009 йил

Лаборатория иши «Қишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиш ва таъмирлаш» кафедраси мажлисида кўриб чиқилди ва тасдиқлаш учун тавсия этилган.

Баённома № 1

«29» август 2009 йил

кафедра мудири доцент _____ И.Ғ. Мирзаев

Лаборатория иши «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш» факультети илмий – услубий кенгаши мажлисида кўриб чиқилган ва тасдиқлаш учун тавсия этилган.

Баённома № 1

«30» август 2009 йил

ҚХМ факультети услубий комиссияси раиси _____ Ғ.Ашуров

Лаборатория иши «Андижон қишлоқ хўжалик институти» ўқув услубий кенгаши мажлисида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

Баённома № 1

«31» август 2009 йил

Кенгаш раиси _____ З.Жумабоев.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИНИ ВА ТРАКТОРЛАРИНИ САҚЛАШГА ҚЎЙИШ.

Топшириқ.

1. Қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторларни сақлашга қўйиш технологияси.
2. Ўқитувчи тавсия қилган биронта қишлоқ хўжалик машинасини сақлашга қўйиш технологисини бажаринг.
3. Сақлашга қўйилган машинани эскизини чизинг.

Иш жойи ва керакли асбоб – ускуналар.

1. МТП лабораторияси.
2. Техник парвариш агрегати АТО – 4822.
3. Компрессор М – 155 – 1.
4. Пневматик солидол ҳайдагич СПМ – 2.
5. Ҳар хил тагликлар.
6. Ювиш учун ванна (350X320X220).
7. Металл щетка.
8. Бўяш асбоби.
9. Бўшатгич ва қотиргич (отвертка).
10. Икки ёқли калитлар.
11. Омбир.
12. Тешгич.
13. Болға.
14. Белгилагичлар.

1. Машиналарни сақлашга қўйишнинг аҳамияти.

Тракторлар давомида маълум сезон ичида ишлатилиб, қолган вақтларда эса тўхтаб туради. Уларни нотўғри ва эҳтиётсиз сақланиши деталларни, механизмларни ва бутун машинани ишдан чиқишига олиб келади.

Атмосфера қолдиқлари, чанг ва ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши деталларни занглашига ва юза қисмини ифлосланишига сабаб бўлади.

Узоқ вақт давомида эҳтиётсиз сақланган машина деталлари кўп ейилади ва ишдан чиқади. Бу ейилиш ва ишдан чиқиш машинани ишлаб юрган вақтдаги ейилиш ва ишдан чиқишидан кўп бўлади.

Металл қисмлар коррозиядан бузилади. Бу жараён айниқса, деталларни чанг ва нам тупроқ таъсирида ҳамда химоя бўёғи бўлмаганда тезлашади.

Резина ва резина-текистиль деталлар қуёш нуридан ўз-ўзидан вулканланиши ва нефть маҳсулотлари текканда резинанинг хусусиятлари бузилади. Бунинг натижасида резина эластиклигини йўқотиб қаттиқ бўлиб қолади. Қуёш нури таъсирида резина қаттиқ ёки ёрилувчан бўлиб қолади. Нефть маҳсулотлари таъсиридан резина шишиб кетади ва бузилади. Резина ҳар доим куч таъсирида туриши зарарли.

Машиналарнинг эҳтиётсиз сақланиши натижасида, уларни қайтадан таъмирлашга тўғри келади. Тракторни сақлашга тайёрлаш қишлоқ хўжалик ишлари тугагандан кейин 10 ичида тугатилиши керак. Машиналарни сақлашга топширишдан олдин чангдан, ифлосликлардан ва зангдан тўла тозаланади. Сақлашга қўйиш вақтида айрим қисмлар учун дефект варақалари тузилиб, сақлашга тайёрланган қишлоқ хўжалик техникасининг етишмовчи қисмлари баёни берилади.

Бу хужжат асосида машиналарга етишмаётган қисмларни топиб ўрнига қўйиш ва кейин ишлатишга тайёр ҳолатга келтириш чораларини кўрилади.

2. Машиналарни сақлашга қўйиш тартиби

Тракторлар узоқ вақт ишсиз бўлган ҳолларда хўжаликда сақланади, яъни, махсус хоналарда, усти берк айвонлар марказий қўрғонлар ва бўлимларнинг техник ишлаб чиқариш базаларида сақланади.

Усти берк айвонларни етишмаслиги сабабли тракторлар очик жойларда ҳам сақланади. Бу жойлар махсус тайёрланган бўлиб, тош текисланиб бетон қилинган ва тўпланган сув оқиб кетиши учун махсус каналчалар қилинган бўлиши керак, сақлаш жойлари атрофи тўсилган бўлиши, аҳоли яшаш жойлари ва омборлардан 50 метр узоқликда жойлашиши керак. Трактор билан девор орасида 0,5-0,75 метр кенгликда ўтиш жойлар ва йўлақлар қўйилади, негаки ҳар бир трактор керак бўлганда олиб чиқилиши ва ўрнига қўйилиши мумкин.

Тракторларни маълум деталлари ва қисмлари (магнето, генератор, тасмалар ва бошқалар) чиқариб олиниб омборхоналарда сақланади.

Покришкалар ва камералар тозаланади ва ҳавода куритилади ва омборларда сақланади. Покришкалар вертикал ҳолатда тахта тагликларда ораси 30 мм қилиниб терилади, камералар эса махсус осмаларга озгина дамланиб илиб қўйилган холда сақланади.

Камераларни вентиллари резина ва изоляцион лента билан химояланади. Камераларни, буғланишлар ҳосил бўлмаслиги учун покришкалар ичида дамлаб сақлаш мумкин.

Аккумуляторлар батареяси машинадан чиқариб олиниб иситилмайдиган хоналарда сақланади. Аккумуляторлар электролит билан тўлатилган ва зарядланган холда шамоллатиб турилади. Машиналарни сақлаш даврида ҳар ойда электролит зичлигини текшириш, батареяларни зарядлаб туриш керак.

Юритиш тасмалари илиқ сувда ювилади ёки этилланмаган бензин билан тозаланади, куритилади, талк сепилади ва комплект қилиб боғлаб қўйилади.

Машина иш органининг бўялмаган металл сирт (қирқувчи аппарат, ағдаргич, пичок, шнек ва хокозолар, узатма деталлари ва механизмлари, ишқаланувчи узеллар, гидроцилиндр штоклари, шлицали бирикмалар, карданли узатмалар ва бошқа)лари консервация қилинади. Машиналарнинг консервация қилинадиган сиртлари механик ифлосликлардан тозаланади, ёғсизлантирилади ва куритилади.

Ёғоч ва металл деталлар ҳамда йиғма бирикмаларнинг шикастланган сиртлари қайта бўялади.

Юпқа деворли ва аниқ деталларни юза қисмларини зангга қарши қоплаш учун калцийланган содага петролатум қўшиш тавсия этилади. Қўпинча петролатум ўрнига деталлар, ГОСТ- 4113-48 га асосан махсус бирикма билан қопланади.

Бўялган юзаларни бензинга, керосинга ёки бошқа эритувчилар шимдирилган латталарда артиш мумкин эмас. Бўялган юзалар фақат сув шимдирилган латталарда артилади.

Занжирли тракторларнинг занжирини тагига тагликлар қўйилади бу тагликлар занжирни кўп занглашдан сақлайди. Гилдиракли тракторлар покришка ва камералари омборга топширилмаган бўлса, улар махсус кўтаргичларга қўйилади ва гилдиракларнинг ерга тегмаслиги таъминланади, балондаги босим 1 атм.гача пасайтирилади.

3. Машиналарни сақлашга қўйишда бажариладиган тадбирлар.

3.1. Тракторларни сақлаш учун қуйидаги асосий талаблар бажарилиши керак

- Совутиш системасидаги сув тўкилади, бакдан ва таъминлаш системасидан ёнилғи тўкилади, картер ва мойлаш системаси каналларидан мой тўкилади.

- Двигателнинг ҳар бир цилиндрига 200 г.дан тоза қиздирилган дизель мойи қуйилади ва тирсакли вал бир неча марта махсус мослама ёрдамида айлантирилади. Бу тадбир бир ойда бир мартадан бажарилиб турилиши керак.

- Магнето, генератор, свечалар, аккумуляторлар батареяси, тасмалар, корбюратор, ёнилғи насоси, форсункалар, ёнилғи узатгичлар чиқарилади ва тоза ҳолда сақлаш учун омборга топширилади. Форсункалар ўрни махсус копқоқлар билан беркитилади.

- Двигател капоти, кабина эшиклари ва ойналар тўла ёпилади ва пломбланади.

- Ҳар бир топширилган трактор учун акт тузилади, унда тракторнинг техник ҳолати, унинг комплектлиги ва асбобларнинг сони кўрсатилади.

3.2. Пахта териш машиналарини сақлаш учун қуйидагилар бажарилиши керак

- Шпинделларни техник вазелин билан ёғлаш ва ёғланган қоғоз билан ўраш; териш аппаратининг махсус кутаргичларга туширилади ва ундан тасмалар ҳамда пружиналар чиқариб олинади.

- Электр асбоблари ва юритиш тасмаларини чиқариб иссиқ сувда ювилади ва талък сепилгандан сўнг қуриштилади.

- Втулка-роликли занжирларни чиқарилади, тозаланади ва дизель ёнилғисида ювилади, сўнгра уларни дизел мойи (95%) ва графит (5%) аралашмасида қайнатилади, қуриштилиб омборга топширилади.

- Сув ва мой узатмалари, шланглар, резина трубкалар чиқариб олинади ва омборга топширилади.

- Шпинделлар ювиш системасидан сувни тўкилади.

- Машиналар кўтаргичларга қўйилганда гилдираклар ерга тегмаслиги керак.

3.3. Кўсак чувиш машинасини сақлаш қўйиш.

- Узатиш тасмаси чиқарилади, ювилади, қурилади, талък сепилади ва омборга топширилади.
- Втулка-роликли занжирлар чиқарилади, тозаланади, ювилади дизель мойи (95%) ва графит (5%) аралашмасида қайнатиб қурилади ва омборга топширилади.
- Занжирли узатма юлдузчалари, шкивлар, тишли ва кардан узатмалар тозаланади ва коррозияга қарши мой суртилади. Ҳамма подшипниклар тўла мойланади.
- Гилдираклар махсус ёғочлар устига чиқарилади.

3.4. Сеялкаларни сақлашга қўйиш.

- Сошниклар тагликларга туширилади ва чуқурлатиш пружинаси бўшатилади.
- Динамометрлар, фиксаторлар, экиш аппаратлари омборга топширилади.
- Сошник, диск ва загортаж очик юзалари коррозияга қарши мойланади.
- Втулка-роликли занжирлар ювилади, дизель мойи (95%) графит (5%) ли аралашмада қайнатилади, қурилади ва омборга топширилади.
- Ҳамма пружиналар мойланади.
- Ҳамма подшипниклар мойланади.

4. Техника ҳавфсизлигидан кўрсатма

Машиналарни сақлашга тайёрлаш ва қўйиш ишларини бажариш фақат инструкциядан ўтган, трактор ва ўзи юрар машиналани бошқариш учун гувоҳномаси бўлган, осон алангаланувчан материаллар ва захарли суюқликлар билан ишлаш йўл-йўриқларини билган кишиларга рухсат этилади.

Машиналарни сақлашга тайёрлаш ва сақлаш жараёнида техник қаров ва қўшимча ишлар фақат машина двигатели тўла тўхтаганда бажарилади. Радиатордан иссиқ сувни ва картердан мойни тўкишда қуйиб қолишдан эҳтиёт бўлиш лозим.

Захарли химикатлар, этилланган бензин ва антифриз билан ишлаётганда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Ерга тўкилган этилланган бензин устига апилка ёки қум сепилади. Кейин апилка ёкиб юборилади, қум эса хлорли оҳак аралаштириб қўмиб юборилади.

Агар кийимга этилланган бензин тегса, дархол ечиб юбориб алмаштириш керак. Агар баданга тегса, дархол тоза керосин билан ювиш, совунли иссиқ сувда қайта ювиш керак.

Машина рамаси ва ишчи органлари остига мустахкам қилиб тагликлар ва эшаклар қўйилиши лозим.

Машиналардан олинган деталлар, агрегатлар ва қисмлар омборларда сақланишида, уларнинг турган жойидан радиус бўйича 1 метр узоқликда иситиш асбоблари жойлаштирмаслиги керак.

Машина аккумуляторларини зарядка қилиш ахши ҳаво алмашилиши мумкин бўлган хоналарда ёки очик майдонларда бажарилиши керак.

Иш ҳақида ҳисобот.

Сақлашга қўйилган агрегат схемаси.

Ишни бажарган талабалар:

1. _____
2. _____
3. _____

Назорат соволлари

1. АТО-4822 техник парвариш агрегатини қандай ишлашини гапириб беринг?
2. Машиналарни сақлашга қўйиш тартибини айтиб беринг?
3. М-155-1 компрессор мосламаси қандай ишлайди?
4. Ювиш – тозалаш жиҳозлари билан ишлаганда қандай хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинади?
5. Пневматик солидол ҳайдагич СПМ-2 вазифасини айтиб беринг.

Адабиётлар

1. Ф.Н. Пуховицкий ва башқалар «Машина трактор паркига техник хизмат кўрсатиш воситалари» Т.: «Ўқитувчи» 1982 й.
2. Ю. Наумов «Справочник по использованию и техническому обслуживанию машинно-тракторного парка» Т.: «Мехнат» 1989 г.
3. В.А. Аллилуев, А.Д. Ананьин, В.М. Михлин «Техническая эксплуатация МТП» М.: «Агропромиздат» 1991 г.